

### **3. Механизациялаштирилган дала ишларида хавфсизлик чоралари**

**17 ёшдан кичик бўлмаган шахслар меҳнатидан ўзиорар қишлоқ хўжалик машиналарида фойдаланишга бундай шахсда ушбу машиналарни бошқариш хуқуқини берувчи гувоҳнома мавжудлигидагина рухсат берилади.**

**Механизатор касби бўйича меҳнат таълими курсини тугатган ва ўзиорар қишлоқ хўжалик машиналарини бошқариш хуқуқини берувчи тегишли гувоҳномани олган ўрта умумий таълим мактабларининг бити्रувчилари 17 ёшга киргунга қадар тажрибали мураббий-механизаторлар раҳбарлигига ишлашга рухсат берилиши мумкин.**

Трактор, ўзиорар шасси, комбайн, қишлоқ хўжалик машиналари ва ихтисослаштирилган машиналарнинг техник холати ушбу машиналарга белгиланган Хавфсизлик техникаси қоидалари ва завод йўрикномалари талабларига **жавоб бериши шарт**.

Машиналар завод йўрикномасига мувофиқ соз холатдаги асбоблар ва мосламалар тўплами билан жиҳозланган **бўлиши керак**.

Ғалла экинлари, пахта, ўтлар ва бошқа тез ўт олувчан экинлар ва сомон кабиларни йиғиш учун мўлжалланган ҳамда янчиш вазифасини бажарувчи машиналар соз ҳолатдаги учқун ўчиргичлар ва бирламчи ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланиши лозим.

Машиналарнинг харакатланувчи, айланувчи кисмлари (кардан, занжирли, тасмали, тишли узатмалари ва ш.к.) хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган сакловчи копламалар билан тўсилган бўлиши керак.




Очиладиган қопламалардан кейинги ички юза қисми қизил рангга бўялган бўлиши керак.

**Трактор ва ўзиорар шассилярнинг кабинаси қўйидаги талабларга жавоб бериши шарт:**

- олд, орка ва ён ойналарида ёриклар ва кўриш имкониятини ёмонлаштирувчи туслангандар жойлар бўлмаслиги лозим. Ойна ўрнига кўриш имкониятини таъминламайдиган материалларни ўрнатиш **тақиқланади** (*кўриш имконияти ёмонлашади*);
- ойна кўтариш механизмлари мавжудлигига ён ойналар осон ва равон туширилиши, кўтарилиши ва ўрнатилган ҳолатда котиши лозим;
- ойна тозалагичлар осон ҳаракатланиши ва ойна тўлик тозаланишини таъминлаши лозим;
- кабина эшикларининг қулфлари соз ҳолатда бўлиши, ҳаракатланиш вақтида эшиклар ўзидан-ўзи очилиб кетишига йўл қўймаслиги лозим;
- назорат-ўлчов асбобларининг панеллари ёритилган бўлиши керак;
- кабина полида резина гиламча бўлиши керак;
- ўриндиқ ёстиғи ва орқа суюнчиғида чўккан жойлар, чиқиб турган пружиналар ва ўткир бурчаклар бўлмаслиги лозим.

Двигателда ёнилғи, мой ва сув оқаётган жойлар, газ чиқариш коллекторининг двигателга ва газ чиқариш қувурига туташмаларида ишланган газнинг чиқаётган жойлари бўлмаслиги лозим.

Вентилятор парраклари двигател рангидан бошқа рангга бўялган бўлиши керак.



Ишга тусириш двигатели механизмларининг ричаглари осон ва ишончли буралиши керак.

Кўлда ишга тусириш механизмининг аркони учida дастаси бўлиши шарт.

Электр ускуналарнинг техник ҳолати стартер, ёритиш асбоблари, сигнализация ва электр назорат асбоблари ўз меъёрида ишлашини **таъминлаши** ва симлар ҳамда клеммаларда учқун ҳосил бўлишига ва ток қочишига йўл қўймаслиги лозим.

Аккумуляторлар батареяси машиналар конструкциясида назарда тутилган жойларда **жойлашиши**, ишончли маҳкамланган, қопқок билан ёпилган ва электролит сизиб чиқиши жойлари бўлмаслиги **керак**.

Машиналар ва асбобларнинг ишлини кисмларини бошқариш ричаглари ишончли маҳкамловчи курилмалар билан жихозланган **бўлиши керак**.

Олд ғидирларнинг қиялиги ва бурилиш бурчаги завод қўлланмаларига мувофик **ўрнатилиши керак**.

Покришкаларнинг хар икки томонида очик ёриклар ва йиртилган жойлар бўлмаслиги, шунингдек, протектор расми бутунлай ўчиб кетмаган бўлиши лозим.



## ***Машина-трактор агрегатларини тайёрлаш жараёнида Фермер хўжалигининг раҳбари:***

- чиникиришдан (обкаткадан) ўтказилмаган машиналардан фойдаланишни тақиқлаши (машина фойдаланиш жараёнида бузилиб қолиши мумкин);
- янги ва таъмирдан чиқкан машина ва агрегатларнинг бутлигини ва техник жиҳатидан созлигини текшириши;
- ишлар хавфсиз бажарилишини таъминламайдиган (айланувчи механизмлари тўсилмаган, тормоз мосламалари ростланмаган, рул бошқаруви носоз бўлган, товушли сигнали бўлмаган ва б.) машиналар ва агрегатлардан фойдаланилишига йўл қўймаслиги;
- машиналарга ёнилғи-мойлаш материаллари ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя



қилган ҳолда факат механизациялаштирилган усулда қуишлишини талаб қилиши шарт.

### ***Механизациялаштирилган ишлар бажарилишида Фермер хўжалигининг раҳбари:***

- трактор кабинасида ва ишларни бажариш майдонида бегона шахслар бўлишини тақиқлаши (жароҳатланиши мумкин);
- тиркама ёки осма машиналарда одам ташишни тақиқлаши (машина ағдарилиб кетиши мумкин);
- ишни бир гурӯҳ машиналар бажаришида ишловчи ходимлар ичидан гурӯҳ раҳбарини тайинлаши;



- мумкин);
- Туман электр тармоклари (ТЭТ)нинг рухсатномасини олмасдан электр узатма тармоклари остида ишларни бажаришга рухсат бермаслиги (электр токидан жароҳатланиш эҳтимолининг олдини олиши) шарт.

**Фермер хўжалигининг машиналар учун тайёрланмаган далаларида машиналарнинг ишлами мумкин эмас.**

**Далаларни тайёрлаш ишлари қўйидагилардан иборатdir:**

- тош ва сомонлардан тозалаш;
- чукурликларни тўлдириб текислаш;
- йирик тошлар, ювилиб кетган майдонлар ва бошка тўсиклар ёнига огохлантирувчи белгилар ўрнатиш;
- дам олиш жойларини жихозлаш.



#### **a. Қишлоқ хўжалик экинларини сепиш ва экиш.**

**Экгич ва уруғ сепгич машиналарига хизмат кўrsatiш ишларига 18 ёшдан кичик бўлган шахсларни жалб қилиш рухсат этилмайди!**

Қишлоқ хўжалик экинларини экиш ишларida уруғ экгич уланган тракторнинг тракторчи-машинисти гурӯх раҳбари ҳисобланади.

Экиладиган уруғлар ва сочиладиган ўғитлардан ташқари бегона нарсалар экгич кутисига тушиб қолмаслигини қатъий назорат қилиш зарур.




Агрегатнинг экгич кутисига уруғ факат тўхтаб тургандагина тўлдирилади.

Кўл жароҳатланишининг олдини олиш мақсадида экгич кутиларидағи ғалла ёғочли куракча ёрдамида текисланади.

### Ёдда сақланг:

екиладиган уруғлар  
автоюклагичда вактда  
юкланаётган ташқарида  
кабинадан бўлиши  
одамлар (жароҳат  
**тақиқланади** (жароҳат  
олиш эҳтимоли мавжуд).



### ЁДДА ТУТИНГ:

Агрегат ҳаракатланиши вактида уруғ экувчилар туткич ва тўсиклар билан жихозланган зинапояларда бўлиши шарт.

Дориланган уруғларни ва минерал ўғитларни экгичларга солаётган ишчилар химояловчи кўзойнак, респиратор ва кўлқопда ишлаши шарт.

Экгич агрегати **факат бош уруғ** экувчининг ишораси **бўйича** ҳаракатлана бошлиди ва тўхтатилади.



## ЁДДА ТУТИНГ!

### *Дориланган уруғларни назоратсиз қолдириши тақиқланади.*

Дориланган билан ишлов берилган уруғларни озиқ-овқат, ем-хашак ёки бошқа маҳсулотлар билан бирга идишсиз холда ташиш **тақиқланади** (*одамлар ва чорва моллари заҳарланишининг олдини олиши зарур*).

**Дориланган уруғлар идишида** «Дориланган», «Захарли» каби аник ва ўқиб бўладиган ёзувлари бўлиши шарт.

Тушлик танаффусида дориланган уруғлар билан ишлайдиган ишчилар **албатта** маҳсус кийимини ечиши ва қўлини совун билан яхшилаб ювиши **зарур**.



Кишлоқ хўжалик экинларини экиш ишларида тракторчи агрегатни ишга туширишдан олдин механизмлар ўзаро белгиланган меъёрларда харакатланаётганига, тракторнинг гидротизими ва маркерлари соз эканлигига, маҳкамлаш мосламаларининг ҳолатига **ишонч хосил қилиши керак**.

Агрегатни ишга  
туширишдан олдин  
тракторчи машина ёнида  
**одамлар йўқлигини**  
текшириши, шундан сўнг  
барча ишчиларга олдиндан  
таниш бўлган ишга тушиш  
сигналини бериши лозим.



## ЁДДА ТУТИНГ:

### *Трактор ва экгичнинг узатма механизмлари сақловчи тўсиқлар билан беркитилган бўлиши шарт.*

Агрегатни жойидан қўзғатиш, қувват олиш валини (КОВ) тўсатдан улаш ва тўхтатишни сигналсиз амалга ошириш **тақиқланади** (*тиркалган агрегатларга хизмат кўрсатувчи ишчилар жароҳатланиши мумкин*).

Навбатдан олдин ва кейин бошқа жойга ҳайдаб ўтишда (ҳайдалаётган йўл охирида бурилишдан ташқари) ва тракторчи йўклигида экгичларнинг гидромаркерлари қўшимча тарзда қисқич ва илгаклар билан маҳкамлаб қўйилган бўлиши лозим.



Қайрилишда экгични ва маркер штангаларини кўтариш ва туширишда дастлаб атрофдагиларни бу хақида **огохлантириш** ва бирон кишига тегиб кетиш хавфи йўклигига ишонч ҳосил қилиш зарур.



Фойдаланиш бўйича қўлланмада кўрсатилган гидротизимнинг ишлаш тартибига ва тақсимлагич дастасини ҳаракатлантириш тартибига **риоя қилиш жуда муҳим**.

Маркер гидротизимининг иш тартиби иш ҳолатида ва штангаларни тушириш вақтида – ўзгарувчан, транспорт ҳолатида – нейтрал бўлади.

Хавф юзага келган тақдирда туширилаётган штанганинг тақсимлагич дастасини ўзгарувчандан нейтрал ҳолатига ўтказиб дархол тўхтатиш зарур.

## **Күйидагиларни ёдда сақлаш зарур:**

Экгичнинг транспорт тезлиги 16 км/соатдан юкори бўлмаслиги лозим;

Қайрилишдан олдин экгич ағдарилиб кетишининг олдини олиш максадида унинг тезлиги 5 км/соатгача камайтирилади.



**Бункерлари тўлдирилган экгични бошқа жойга ташиб ўтши ва уларни узилган ҳолатда қолдириши мумкин эмас.**

**Агрегат узоқ вактга тўхтатилганда ёки тракторчи кетаётганда экгич туширилган ҳолатга келтирилиши керак.**

Кўчат экишни бошлашдан олдин:

- экувчи ходимнинг ўриндиғи ишончли маҳкамланганлигига;
- ҳимояловчи соябон маҳкамланганлигига;
- икки тарафлама сигнализация тизими соз эканлигига ишонч ҳосил қилинг.



Машинанинг ишчи қисмини кўтариш ёки тушириш вактида ва агрегатни транспортда ташишда машинада (экиш секцияларида, машина рамасида, стеллажларда) бўлиш **тақиқланади** (*ишчилар жароҳат олиши мумкин*).



Ишчилар жароҳат олишининг олдини олиш максадида агрегат ҳаракатланаётган вактда стеллажлардан кўчатли кутиларни олиш **мумкин эмас**.

Экувчилар йикилиб тушишига ва машина узеллари синишига йўл кўймаслик учун агрегатни орқага ҳаракатлантириш **тақиқланади**.


## б) Богбонлик ва узумчилика қишлоқ хұжалик ишлари



Мевали дарахтларни парвариш килиш жараёнида платформаларда қўлланадиган пневматик ва қўл асбобларининг бутун тўплами (шохкиркичлар, қўларралар ва б.) тўлиқ соз ҳолатда бўлиши лозим.

**Платформада туриб ишларни бажаришда қуидагиларни ёдда тутиш зарур:**

- платформа соз ҳолатдаги тўсиклар, туткичлар ва зина билан жихозланган бўлиши керак;
- ишчилар пневмоасбоблардан фойдаланиш қоидаларини билиши ва уни ишлаётган ҳолатда назоратсиз қолдирмаслиги лозим;
- майдончани кесилган шохлар билан тирбанд килиш мумкин эмас;
- ҳимояловчи кўзойнакда ишлаш зарур;



- тракторчи платформани фактат унинг устида бўлган гурух бошлиғининг сигнали бўйича кўтаради ва туширади;
- бошқа жойга хайдаб ўтишда минора платформасида одамлар бўлиши мумкин эмас;
- дарахтларга ишлов бериш жараёнида минора дарахтларга нисбатан шамол кучи ва йўналиши хисобга олинган холда жойлаштирилади.

**Жароҳат олиш эҳтимоли юқори бўлиши сабабли қўлда ва механизациялаширилган усулда бажариладиган ишларни бир вақтда бажариши тақиқланади!**

**в) Мева-сабзавот экинлари ҳосилини йигиши**

Картошка, лавлаги, сабзи ҳосилини комбайн ёрдамида йиғишида комбайн хайдовчиси йиғиш агрегатида гурух бошлиғи ҳисобланади.

Комбайн хайдовчиси ва хизмат кўрсатувчи ходимлар фақат тугмалари тақилган ва почалари яхшилаб йиғиширилган маҳсус кийим-бошда **ишилаши лозим**.



**Фартукда ишилаши тақиқланади!**  
(комбайннинг айланувчи қисмлари фартук ёки манжетсиз енг четини тортиб кетиши мумкин).

**Йигим-терим ишларини бошлишдан олдин**

Комбайн ҳайдовчisi:

- ҳайдовчи майдончасининг комбайн рамасига ишончли маҳкамланганини текшириши;
- комбайн ҳайдовчиси билан тракторчи ўртасида икки тарафлама алоқани таъминлаш учун товушли сигнализация тизимини текшириши;
- сакловчи қопламалари мавжудлигини ва ишончлилигини, узатмаларнинг сакловчи қопламалари ва тўсиқлари созлигини текшириши;
- сараловчилар майдончаларидаги зинача маҳкамланишининг ишончлилигини текшириши;
- сараловчилар майдончаларидаги зинача ишончли маҳкамланганига



ишенч ҳосил қилиши шарт.

## ЁДДА ТУТИНГ:

**Жароҳатланишинг олдини олии мақсадида комбайнни техник созлаши бўйича барча ишлар тракторнинг двигатели ўчиқ ҳолатида бажарилиши зарур!**

**Комбайнни тозалаши ишларини ушбу мақсадлар учун мўлжалланган илгаклар ва тозалаши қуракчалари ёрдамида ўтказиши зарур.**



Комбайн остида ишларни бажариш вақтида мустаҳкам ва хавфсиз ҳолатни таъминлайдиган маҳсус тиргаклардан фойдаланиш лозим.

**Комбайнни таъмирлаш пайтида тушиб кетишининг олдини олии мақсадида қутилар, тошлар, гишитлар, машина қисмлари ва бошқа жисмлардан тиргак сифатида фойдаланиши қатъян**

### ТАҚИҚЛАНАДИ:

#### *Иш вақтида:*

- агрегатда ишлаш учун биритирилмаган бошқа шахсларга ушбу агрегатни топшириш (*агрегат бузилиши, одамлар жароҳатланиши мумкин*);
- комбайнда бегона шахслар бўлиши (*ҳаракатланиши вақтида ҳайдовчини чалгитиши ҳалокатга сабаб бўлиши мумкин*);
- агрегат ҳаракатланаётган вақтда ишчи қисмлар ва механизмларни текшириш ва ростлаш, носозликларни бартараф этиш (*жароҳат олии эҳтимоли мавжуд*);
- агрегат ҳаракатланаётган вақтда комбайн ҳайдовчиси ва ишчилар иш жойини ташлаб кетиши, зинапояларда, зиначаларда ва х.к.ларда туриши (*агрегат бузилиши, одамлар жароҳатланиши мумкин*)



**ТАҚИҚЛАНАДИ**

## **Ёдда тутшии зарур:**

*Комбайн ҳайдовчиси ва сараловчиларнинг иш ўрнига кириш жойи сақловчи занжир ёки планка тўсиқ билан беркитилган бўлиши керак.*

*Тракторчи агрегатни ҳайдалаётган йўналии охирида, унинг ишчи қисмлари ердан тўлиқ чиққанидан сўнг қайтаради.*

*Қайрилиб олишини бошлишдан олдин ва қисқа муддатли тўхташда тракторнинг қувват олиши валини ўчириш керак.*

**Агрегатнинг қайрилиш жойларида одамлар ва турли хил транспорт воситалари бўлиши тақиқланади (ҳалокат, одамлар жароҳатланиши эҳтимоллари мавжуд).**

### **Тақиқланади:**

- дала шароитларида бирон бир таъмирлаш ишларини бажаришдан сўнг комбайн транспортёрларида асбобларни ёки бегона нарсаларни колдириш (комбайн бузилиб қолиши мумкин);

- агрегат харакатланаётган вақтда транспорт воситасининг кузовида бўла туриб картошкани текислаш (ишчи жароҳат олиши мумкин);

- момақалдирок вактида агрегатда ишлаш (об-ҳаво шароитлари ёмонлашгани сабабли ҳалокат юз берши, яшин уриши эҳтимоли мавжуд).



### **Қияликларда ишлашда хавфсизлик чоралари**

## **Ёдда тутшии зарур:**

Қиялиги  $15^0$  дан ортиқ бўлмаган қияликларда ишлашга рухсат этилади.

Чукурликларга ёки жарликларга туташган далалар чегараларида бурилиш йўлаклари назорат эгатлари ёрдамида белгиланиши керак.  
**Мажбурий тўхташ ҳолатларида:**

- трактор двигателини ўчириш ва уни тормозлаш;
- трактор ғилдираги тагига тиргаклар кўйиш зарур.

***Йирик қияликлар ва чукурликлар ёнида тўхтаб туриши  
ва қисқа вақти тўхташ тақиқланади.***

(тик қияликда тўхташ комбайн ҳаракатланиб кетишига,  
одамлар жароҳатланишига олиб келиши мумкин)

***Коронги тушиши билан агрегатда ишлишни  
тўхтатиш зарур!***

(кўриш имконияти ёмонлашуви ҳалокатга, одамлар  
жароҳатланишига сабаб бўлиши мумкин)




Агрегатлар ишлаётган майдонларда ҳамда улар тўхтаб турган вақтида агрегатларга яқин жойларда дам олиш ёки жойлашиш тақиқланади.  
(одамлар жароҳатланиши мумкин).



Саралаш пунктида ишлаш вақтида ёдда тутинг:  
Саралаш пунктининг ҳаракатланаётган транспортёрлари ва тасмалари юкори даражада хавфлидир.

Харакат  
бошланиши  
олдидан товуш  
сигнали беринг



Машинани ишга туширишдан олдин машинист албатта ишлаётганларни транспортёр ишга туширилиши ҳакида огохлантирадиган сигналини беради.

### ЁДДА ТУТИНГ:

(ишлаётганлар жароҳатланишининг олдини олиш мақсадида)

- саралаш транспортёрларига ўтириш тақиқланади;
- ишчи қисмларини мойлаш ва тозалаш бўйича барча ишлар машина тўлиқ тўхтатилганда бажарилиши керак;
- тишли ва занжирли узатмаларнинг сакловчи қопламаси ва тўсиқларисиз ишлаш тақиқланади.

### г) Пахта терими.

Бу ишда механик-ҳайдовчи гувохномасига эга бўлган, пахта териш машинасидан фойдаланиш бўйича маҳсус тайёргарликдан ўтган, хавфсизлик техникаси бўйича йўл-йўрик олган шахслар ишлашига рухсат этилади.

Механик-ҳайдовчининг кийими танасига ёпишиб туриши, енг манжети ва тугмалари тақилган, куртка ёки кўйлаги шимига тиқилган бўлиши лозим.

Сочи бош кийимига, рўмол ёки учбурчак рўмолча тагига йиғиширилган бўлиши зарур.

Пойабзали оёғида мустаҳкам туриши зарур. Ботинка или боғлаш учун қулай ва калта бўлиши керак.

Механик-ҳайдовчи машинани чиниктирган ва ўзлаштиргандан сўнг. Пахта териш машинасида унинг барча механизмлари текширилган ва ростлангандан кейин ишни бошлаш мумкин.





Машина механизмларини ростлаш ишларини тўғри ва ўз вактида ўтказиш - ишлар хавфсиз бажарилишини, пахта хомашёсининг ғўза поясидан сифатли терилишини ва айниқса, нобудгарчилиги кам бўлишини тъминлайди ва машина

қисмлари ва деталларининг ишончлилигини ва ҳизмат килиш муддатини оширади.



Ёдда тутинг, болтли бирикмаларни мойлаш ва тортиш, тасмаларни ростлаш ва алмаштириш, ишчи қисмларни тозалаш ва носозликларни бартараф этиш бўйича барча ишларни регламентга мувофиқ ва двигателнинг фақат ўчиқ холатидагина ўтказиш зарур (*пахта териши машинаси ишдан чиқиши, ишчилар жароҳатланиши эҳтимоли мавжуд*).

Машинанинг алоҳида тизимлари ва механизмларини ростлаш бўйича барча ишлар қатъий



техник регламентга мувофиқ, хавфсизлик техникасига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Пахтани

механизациялаштирилган усулда териш жараёнида ифлосланган шпинделлар юзасини вакти-вақти билан тозалаб туриш зарур.

**Шпинделларни қўлда тозалаш тақиқланади!**  
(*қўл шикастланиши мумкин*)

Шпинделларни тозалаш учун сопли махсус чўткалардан фойдаланиш зарур.



Пахта териш давомида комбайн бункерини ўз вактида бўшатиб туриш керак.

Машина тўхтаб туришга кўйилганда унинг бункери ичида пахта хомашёсини қолдириш мумкин эмас (*машина ўз-ўзидан ағдарилиб кетиши мумкин*).



### **ИШЧИЛАР ЖАРОҲАТЛАНИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА:**

Бункер ағдарилаётган вактда унинг тагида туриш, кўтарилган бункер остида ишлаш

### **ТАҚИҚЛАНАДИ**

Комбайн ҳаракатлана бошлишидан олдин огохлантирувчи сигнал бериш зарур.

Машина ҳаракатланаётганда рулни бошқарувсиз қолдириш мумкин эмас (*ҳалокат юз бериши, ишчилар жароҳатланиши эҳтимоли мавжуд*)

Машина ишлаб турган пайтда ва бошқа ерга ҳайдаб ўтиш вактида унда **бегона шахслар бўлмаслиги лозим**.

Газ чиқариш қувурига учқун сўндиригич ва тўсувлари қопламасини ўрнатмасдан ишлаш мумкин эмас (*пахта даласи ва пахта териш комбайни ёниб кетиши мумкин*).



**Ёнилғи бакидан ва мой қувурларидан ёнилғи оқишига йўл  
қўйилмайди**  
*(ёнғин чиқиши мумкин)*



**Челақдан ёнилғи қуишига рухсат  
этилмайди!**  
*(ёнғин чиқиши мумкин)*

Ёнилғи бакини тўлдиришни фақат маҳсус ёнилғи  
куювчи ходим ёрдамида амалга ошириш зарур.



Ерга тўкилган ёнилғи ёки мой  
устига тупроқ ёки кум сепиш керак.

Машина доимо соз ва тўлик  
холатдаги ўт ўчиргич ва белкурак билан  
таъминланган ва бу асбоблар белгиланган  
маҳсус жойга ўрнатилган бўлиши керак.



**Үт чиққан тақдирда ёнаётган ёнилгини  
сув билан ўчириши тақиқланади.**

Машина ёнида чекиш тақиқланади  
(комбайн үт олиши мумкин)



**Электр узатма тармоги остида бункерни  
күтариши қатыяң ман этилади!  
(электр токи уриши мумкин)**

Ишлар тунда бажарилаётган бўлса,  
пахта териш машинаси соз холатдаги  
электр ёритиш асбоблари билан  
жихозланган бўлиши керак.



Пахта териш машинасини шоссе  
йўлларидан хайдаб ўтиш «Йўл харакати  
коидалари»га мувофиқ амалга оширилиши  
керак.





Тепалик (тоғ)дан тушишда машинани тормоз ёрдамида бошқариб, факат биринчи тезлик узатмасида ҳаракатланиш лозим.

Қия юзада турган машинадан тушиш зарурати туғилғанда:

- блокировкаланған тормоз тепкиларини охиригача босиш ва құл тормозининг илгакли механизми билан маҳкамлаб қўйиш;

- двигателни ўчириш;

- биринчи ишчи тезлигига ростлаб қўйиш лозим.

### **Темир йўл семафори ёпиқлигига ёки поезд яқинлашаётганда**

**темир йўлни кесиб ўтиш тақиқланади!**

*(йўл-транспорт ҳодисаси юз берши, одамлар жароҳатланиши мумкин)*



Темир йўлларни факат белгиланған жойлардан ишчи тезликларда кесиб ўтиш мумкин.

Кўприклар орқали ёки улар тагидан ўтишдан олдин ўтиш имконияти мавжудлигига ишонч ҳосил килинг.

Ҳалокат юз берган тақдирда дархол ёнилғи узатмасини бошқариш ричагини охиригача орқага ўтказиб двигателни тўхтатинг.

Иш тугатилғандан сўнг кейинги навбатчини машинада кузатилған барча носозликлар ҳақида огохлантиринг.

*Совуқ тушганда ишлар тугатилғандан сўнг тизимдаги ва трактор двигателини совитши тизимидағи сувни тўкиб юбориш зарур.*